

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

2007 йил 17 январь

Тошкент шаҳри

**“Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунининг 74-моддасига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг
Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасига киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига амал қилган ҳолда, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида”ги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг бош директори Х.Мухитдинов ва “ЎзМАДпарранда-холдинг” компаниясининг бош директори А.Содиқовнинг Конституциявий судга мурожаатлари муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья У.Бозоровнинг ахборотини эшитиб, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудирини Б.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Олий суди расининг ўринбосарини Б.Жамолов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосарини Н.Аҳмонов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосарини Х.-М.Исоқов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарини Р.Мухитдинов, Конституциявий суд хузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши раисининг ўринбосарини, Тошкент давлат юридик инситутини Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедрасининг мудирини Х.Раҳмонқулов, шу кафедра

профессори вазифасини бажарувчи С.Гулямов, шу кафедра катта ўқитувчиси В.Эргашевнинг фикрларини таҳлил этиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига йўлланган мурожаатларда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 135 ва 138-моддалари ўртасида номувофиқлик мавжудлиги ва бу номувофиқлик амалиётда жиддий қийинчиликларга сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг биринчи қисмида “Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади”, деб кўрсатилган.

Мазкур Қонун 74-моддасининг учинчи қисмида “Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим”, деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 134-моддасининг биринчи қисми ва 135-моддасининг биринчи қисмида бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланиши ҳамда ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилиши назарда тутилган.

Ушбу Кодекс 135-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ “Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно”.

Шу Кодекс 138-моддасининг биринчи қисмида “Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади”, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юқорида кўрсатилган нормалари юридик шахс номидан берилган ишончнома нотариал шаклда расмийлаштирилиши эмас, балки раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилиши кераклигини, аммо “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми эса акциядор томонидан овоз беришга доир берилган ишончнома, у жисмоний шахс ёки юридик шахс бўлишидан қатъи назар, нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозимлигини назарда тутди.

Бу ҳолат эса “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисми ўртасида номувофиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари фуқаролик қонун ҳужжатларининг барча тизими учун муҳим негиз бўлиб ҳисобланган қоидалар йиғиндиси эканлиги нуқтаи назаридан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 3-моддасининг иккинчи қисмидаги “Бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт”лиги ҳақидаги қоидага асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кўрсатилган нормалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқлаштирилиши лозим.

Баён қилинганларга асосланиб ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 25, 26, 27-моддаларига, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

қ а р о р қ и л д и :

1. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисмига мувофиқлаштириш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси У.Бозоров ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиганда иштирок этиш учун вакил этиб тайинлансин.

3. Ушбу Қарор “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси”да эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди